

Жиноят иши № 1-1607-2501/125
Маърузачи судья – Ш.Қурбонов

Биринчи инстанцияда ишни кўришда
раислик қилган судья – М.Рузиматов

Апелляция инстанциясида маърузачи
бўлган судья – Д.Тожибоев

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2026 йил март ойининг 4 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья: Ш.Қурбонов, ҳайъат судьялари: А.Инамов ва Д.Мадаминовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Сиддиқовнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори Р.Одилов, судланган З.Парпиевнинг ҳимоячиси – адвокат Ж.Нишонов, жабрланган С.Жўрабоев, Ш.Абдуфаттаев ва унинг ҳимоячилари К.Улуҳўжаев ва М.Абжалиловнинг иштирокида, судланган З.Парпиевга нисбатан жиноят иши ҳимоячи А.Абдусаматовнинг тафтиш шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2025 йил 14 августдаги ҳукмига кўра:

Парпиев Зафаржон Тўрамирзаевич, 1990 йил 23 январда Янгиқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, судланмаган, “Zafar Muzaffar-baraka savdo” МЧЖ раҳбари вазифасида ишлаган, Янгиқўрғон тумани, “Қорасув” МФЙ, Нишонов кўчаси, 6-уйда яшаган, иш бўйича 2025 йил 6 майдан қамокда сақланаётганга,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 йил, 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб, 6 йил, 59-моддаси тартибида узил-кесил 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланган З.Парпиевдан жабрланган Ш.Абдуфаттаевга 587.394.250 сўм, жабрланган С.Жўрабоевга 163.720.525 сўм моддий зарарларни ундириш;

“Микрокредитбанк” Наманган вилояти Янгиқўрғон БХМ ихтиёрида гаровда турган, ҳозирги кунда Тўрақўрғон туман ИИБ ТБнинг қарори билан Янгиқўрғон туманидаги жарима майдончасида сақланаётган, нархи 50.000 АҚШ долларига тенг 623 775 500 сўмлик “MAN TGX EVRO-6” русумли 50 345 ТВА давлат рақамли юк автомашина ва унинг “KRONE SD” русумли 50 6001 ВА давлат рақамли ярим тиркама автотототранспорт воситалари мазкур банк ихтиёрига қайтариш белгиланган.



Наманган вилоят суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 16 декабрдаги ажримига кўра, суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, З.Парпиев 2023 йилнинг октябрь ойида Ш.Абдуфаттаевга турмуш ўртоғи М.Худайбердиеванинг номида бўлган Янгиқўрғон тумани, “Водий” МФЙ, Амир Темур кўчаси, 118-уйда жойлашган нотурар бино-иншоотни 1.100.790.900 сўмга тенг 90.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, олдиндан унга 525.933.430 сўмга тенг 43.000 АҚШ долларини бўлиб-бўлиб бериб, қолган 574.857.470 сўмга тенг 47.000 АҚШ долларини 7 ой ичида бериш шарти билан бино-иншоотни сотиб олиб, 2023 йил 21 октябрь куни бинони олди-сотди шартномасини ўзининг номига нотариал тартибда расмийлаштириб, Ш.Абдуфаттаевнинг жуда кўп миқдордаги 577.131.095 сўмга тенг миқдордаги 47.000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда;

шунингдек, З.Парпиев “Zafar Muzaffar-baraka savdo” МЧЖ раҳбари номидан - сотиб олувчи сифатида, сотувчи - Литва давлатининг UAB “Sensas” фирмаси билан 2024 йил 6 январь куни “Krone” русумли ярим тиркама ҳамда “Ivesco evro 6” русумли бош тиркама сотиб олиш тўғрисида 5-сонли шартнома (контракт) тузиб, АТБ “Микрокредитбанк” Янгиқўрғон тумани банк хизматлари марказининг 2024 йил 21 февралдаги 4-сонли кредит шартномасига асосан йиллик 10 фоиз миқдорида 24 ой имтиёзли давр билан 84 ой муддатга фермер ва деҳқон хўжаликларга минерал ўғит ва озуқа етказиб бериш хизматини ташкил этиш учун 2018 йилда ишлаб чиқарилган икки дона “Ivesco evro 6” русумли бош тиркама ҳамда 2019 йилда ишлаб чиқарилган икки дона “Krone” русумли ярим тиркама сотиб олиш учун 100.000 АҚШ доллар ажратилган кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган, “Zafar Muzaffar-baraka savdo” МЧЖга етказиб берилган “MAN TGX EVRO-6” русумли 50 345 TBA давлат рақамли юк автомашина ва унинг “KRONE SD” русумли 50 6001 BA давлат рақамли ярим тиркама автототранспорт воситасини кредит тўловлари тўлиқ тўланмаганлиги ҳамда банк ва нотариус томонидан тақиққа қўйилганлигини била туриб, банк орқали кредит маблағига олинган 623 775 500 сўмга тенг қийматдаги 50.000 АҚШ доллари миқдоридаги транспорт воситасини сотиш режасини тузиб, 2024 йил 30 декабрь куни С.Жўрабоевга юқоридаги юк автотранспорт воситаси ва унинг ярим тиркамасини 65.000 АҚШ долларига сотиб, кредит шартномасининг 5.1.11, 8.3-бандлари “в, ж, з” кичик бандлари талаблари шартларини бузиб, кредитдан мақсадсиз фойдаланиб, келишилган 65.000 АҚШ долларидан 13.100 АҚШ долларини олиб, шу куни пулни олгани ҳақида С.Жўрабоевдан “автомашинани 65.000 АҚШ долларига сотиб олгани, шундан 13.100 АҚШ долларини санаб бергани, қолган пулларни ... бўлиб-бўлиб беришга, ... умумий суммани ойма ой банк кредит фоизини тўлаб боришга, машинани техник ҳолатига ўзи жавоб бериши” мазмунида тилхат ёздириб олиб, тилхатга ўзи, отаси Т.Парпиев, фуқаролар М.Исмоилжонов, К.Исмоиловни гувоҳ сифатида кўрсатиб, имзо қўйдириб тасдиқлатиб, шундан сўнг, ушбу ноқонуний ҳаракатларига қонуний тус бериш учун Наманган шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи



нотариусда 2025 йил 16 январь куни “MAN TGX EVRO-6” русумли 50 345 ТВА давлат рақамли юк автомашина қонуний эгаси – ижарага берувчи З.Парпиев ва ижарага олувчи И.Халмирзаев ўртасида автотранспорт воситасининг ижара шартномасини расмийлаштиришга ҳамда 2025 йил 20 январь санаси билан ушбу юк автотранспорт воситасига ҳайдовчи олиш мақсадида иш берувчи (ижарага олувчи) И.Халмирзаев ва ҳайдовчи М.Исмаилжанов ўртасида меҳнат шартномаси тузишга эришиб, кейинчалик ушбу ишлар юзасидан тергов ҳаракатлари бошланганидан хабар топиб, жавобгарликдан қутилиб қолиш мақсадида С.Жўрабоевдан юк автомашинасини қайтариб олиб қўйиб, ўзига ишониб топширилган ва ихтиёрида бўлган, банк томонидан ажратилган жуда кўп миқдорни ташкил қилган 623.775.500 сўмга тенг 50.000 АҚШ доллари қийматидаги юк автотранспорт воситасини ҳамда С.Жўрабоевнинг кўп миқдордаги 169.258.288 сўмга тенг 13.100 АҚШ долларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

Ҳимоячи А.Абдусаматов апелляция шикоятда, судланган З.Парпиевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Ш.Қурбоновнинг маърузасини, ҳимоячи Ж.Нишоновнинг оқлов ҳукми чиқариш, жабрланган С.Жўрабоев, Ш.Абдуфаттаев ва унинг ҳимоячилари К.Улухўжаев ва М.Абжалилов ҳамда прокурор Р.Одиловнинг ҳукм ва апелляция инстанцияси ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланган З.Парпиевнинг суднинг ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, гарчанд судда айбига иқроқ бўлмасдан кўрсатув берган бўлса-да, жабрланганлар Ф.Абдуфаттаев, С.Жўрабоев, фуқаровий даъвогар вакили З.Зияев, гувоҳлар Н.Матқаюмов, К.Исмоилов, М.Исмаилжанов, Ж.Юлдашев, Т.Парпиев, Б.Парпиевнинг суддаги унинг айбини фош этувчи кўрсатувлари, жиноят ишидаги жабрланувчи Ш.Абдуфаттаевнинг аризаси, З.Парпиев ва Ш.Абдуфаттаев ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, С.Жўрабоевнинг аризаси, тилхат, транспорт воситасини кўздан кечириш ҳақида баённома ва фотоиловалар, З.Парпиевнинг банк бошлиғи номига ёзган огоҳлантириш тилхати, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этиш қарор, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди, З.Парпиевнинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келиб, унинг ўзига ишониб топширилган жуда кўп миқдордаги банк кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ва ўзгаларнинг жуда кўп миқдордаги мулкни алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиб фирибгарлик қилишдан иборат ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо судланганни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда судланган, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланганнинг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши кераклиги ҳақида тушунтирилган.

Биринчи инстанцияси суди юқоридаги Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, биринчи инстанция суди томонидан З.Парпиевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, уни муқаддам судланмагани, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг шахсини ва содир этган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, зарарларнинг тўлиқ қопланмаганини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан моддий зарарлар бўйича даъвоси борлигини инобатга олиб, қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилганидан енгилроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, тайинланган жазоларни 59-моддаси тартибида қисман қўшиб, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли қарорга келган.

Ҳимоячи А.Абдусаматовнинг апелляция шикоятдаги ва ҳимоячи Ж.Нишонунинг тафтиш инстанцияси судидаги, З.Парпиевнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги важлари:

жабрланган С.Жўрабоевнинг биринчи ва тафтиш инстанцияси судидаги, судланган З.Парпиев билан ўрталарида “Фура” юк машинаси бўйича олди-берди бўлгани, 2024 йил декабрь ойларида “МАН” русумли фура юк машинаси келгани, ушбу юк машинасини З.Парпиевдан 65.000 АҚШ долларига сотиб олгани, машинанинг кредит қарздорлигини ҳам унинг ўзи тўлаб юрмоқчи бўлгани, машина учун З.Парпиевга 13.100 АҚШ доллари



бергани, қолган пул микдорини машинанинг кредит тўловларини тўлаб юришга келишгани, бироқ орада ўрталаридаги олди-берди бузилгани, З.Парпиев юк машинасини қайтаришни сўрагани, лекин у 13.100 АҚШ доллари микдоридagi пуллари қайтармагани, ўртадаги келишиш бўйича тилхат ёзилгани, М.Исмоилжонов ушбу ҳолатга гувоҳ бўлгани, тилхатда “машинанинг техник кўрикларига мен жавоб бераман” деб ёзилгани, юк машинаси унга ўтганидан сўнг банк томонидан тақиққа қўйилгани, тилхат ёзилган вақтда юк машинаси тақиққа қўйилмагани, ўша вақтда З.Парпиев ушбу юк машинаси банкка тақиққа қўйилиши аниқ эмаслиги, яна бир юк машинаси борлиги, тақиққа ўша автомашинани қўйиши мумкинлиги ҳақида айтгани, бироқ бошқа юк машинаси олиб келинмагани сабабли унга сотилган юк машинаси тақиққа қўйилгани, юк машинасининг банкдан бўлган кредит қарздорлиги учун 400 АҚШ доллари тўлагани, ушбу пулга даъво қилмаслиги, юк машинасини 2 ой давомида ишлатгани, ушбу муддат ичида 3 марта юк ташишга чиққани, юк машинасининг бошқа давлатларда ҳаракатланиш учун тегишли рухсатномалар олиб, анча микдорда зарар кўргани, З.Парпиев юк машинасини сотгани, бироқ кейинчалик юк машинасини қайтариб олиб, унга берган 13.100 АҚШ долларини қайтармагани, етказилган зарарни З.Парпиевдан ундириб беришни сўраши ҳақидаги;

жабрланган Ш.Абдуфаттаевнинг биринчи ва тафтиш инстанцияси судидаги, 2023 йил куз ойларида З.Парпиевга турмуш ўртоғи номида бўлган Янгиқўрғон тумани, “Обод” МФЙ марказида жойлашган 3 қаватли биносини сотишини айтгани, З.Парпиев бинони сотиб олишини, пулини ярмини бериб, қолганини 7 ой ичида тўлаб беришини айтгани, у билан бинони 90.000 АҚШ долларига келишгани, З.Парпиев унга бинони отасига 50.000 АҚШ долларига сотиб олганини айтишини, агар отаси 90.000 АҚШ долларига сотиб олганини билиб қолса, уни уришишини айтгани, шундан кейин бинони нотариус орқали олди-сотди қилиб, З.Парпиевнинг номига мулк ҳуқуқи сифатида ўтказиб бергани, келишувдаги 90.000 АҚШ долларидан 43.000 АҚШ долларини унга ўша вақтнинг ўзида бериши керак бўлгани, лекин бир йил мобайнида пулни бўлиб-бўлиб 43.000 АҚШ долларини бергани, қолган 47.000 АҚШ долларини бермагани, бинони олди-сотди жараёнига Матқажомов Нодирбек гувоҳ бўлгани, З.Парпиев 2024 йилнинг 1 декабрь кунигача пулини беришини, агар бера олмаса, бинони унинг номига ўтказиб беришини айтгани, лекин келишувдаги пулни бермасдан, 70.000 АҚШ долларига бошқа одамга сотиб юборганини эшитиб қолгани, бундан ташқари, 2023 йилнинг декабрь ойи охирида З.Парпиев билан Нанай қишлоғига кетаётган вақтида, иккита катта юк автомашинасини ўзининг номига кредитга олса, кредитини тўлаб бўлингунига қадар ижарада ишлатишини, кредит тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг битта юк автомашинани унга беришини айтгани, унга таниши Баркамол билан гаплашиб юк автомашиналарини олиб келиш ҳаражатлари, чет давлатидаги фирмалар ҳақида сўрагани, Баркамол кўпроқ Европа давлатларида юк автомашина сотиб олиш ва ижарада фойдаланиш билан шуғулланиб келгани



учун у билан суҳбатлашганида, Литванинг Вилниус шаҳрида яшовчи бир одамга тегишли “SENSAS” фирмаси борлиги, шу фирма орқали 100.000 АҚШ долларига иккита юк автомашинасини олиш мумкинлигини айтгани, унинг гапларини З.Парпиевга айтгани, у ўзига қарашли “Зафар Музаффар барака савдо” фирмаси номига кредит чиқариши мумкинлигини айтганидан кейин “Микрокредитбанк” Янгиқўрғон филиалига боришгани, гаровга мулк қўйилиши сўралганда, Эркинжонов Баркамолга илтимос қилиб, унга тегишли “Шахина логистика” МЧЖга қарашли бўлган “DAF” русумли юк автомашинасини гаровга қўйиб бергани, иккинчи гаровга эса таниши О.Усмоновга тегишли бўлган “Ласетти” русумли автомашинани қўйишгани, банк томонидан фирмага 30.000 АҚШ доллари ташлаб берилгани, ушбу пулни З.Парпиев Литва давлатидаги “SENSAS” фирмасининг ҳисоб рақамига ўтказиб бергани, шундан сўнг 2024 йилнинг май ойида бир дона “ИВЕКО” русумли юк автомашинаси етиб келгани, ушбу юк автомашина “Микрокредитбанк” томонидан гаровга қўйилгани, кейинги 20.000 АҚШ долларини ҳам З.Парпиев “SENSAS” фирмасига ўтказиб бергани, унга маълум бўлишича “ИВЕКО” русумли юк автомашина етиб келганидан сўнг З.Парпиев Учқўрғон туманида яшовчи “Ботир” исмли шахсга тахминан 70.000 АҚШ долларига сотиб юборгани, иккинчи юк автомашинаси учун банкдан 50.000 АҚШ доллари чиққанида, бу пулни ҳам “SENSAS” фирмасига ташлаб берилгани, “ИВЕКО” русумли юк автомашинаси соляркага юрадигани кучсиз бўлиб, “МАН” русумли юк автомашинасига алмаштириш бўйича З.Парпиев билан келишув қилиб, қўшимча шартнома тузишгани ва “ИВЕКО” русумли юк автомашина “МАН” русумли автомашинага алмаштирилиб, 50.000 АҚШ долларига “МАН” русумли автомашина, умумий ҳисобда 100.000 АҚШ долларига иккита юк автомашиналари келгани, шунда З.Парпиев ушбу етиб келган “МАН” русумли юк автомашинани С.Жўрабоевга 65.000 АҚШ долларига сотиб юборганини билгани, қолган ҳолатдан хабари йўқлиги, шу сабабли З.Парпиевдан 47.000 АҚШ долларини ундириб бериш ҳақидаги;

фуқаровий даъвогар вакили З.Зияевнинг суддаги, “Микрокредитбанк” Янгиқўрғон банк хизматлари маркази раҳбари лавозимида ишлаб келиши, 2024 йилнинг январь ойида З.Парпиев кредит олиш мақсадида хорижий кредит линияси орқали банкга мурожаат қилиб, 100.000 АҚШ долларига фермер ва деҳқон хўжаликларига минерал ўғит ва озуқа етказиб бериш хизматини ташкил қилиш мақсадида икки дона “IVEKO” ва икки дона “KRONE” русумли юк тортувчи ва тиркама автомашиналарини олишни сўрагани ва ўзига тегишли “Зафар Музаффар барака савдо” МЧЖ билан хорижий давлатнинг юк автомашиналарини етказиб берувчи фирмаси билан шартнома тузишини билдиргани, кредит ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Литва давлатининг UAB “SENSAS” фирмаси ҳисоб рақамига дастлаб 30.000 АҚШ доллари, сўнг 20.000 АҚШ доллари ўтказиб берилиб, ушбу тиркама ва транспорт воситалари гаровга қўйилгани, Литва давлатидан 2024 йил 10 июлда “МАН” русумли юк автомашина ва ярим тиркамалари келтирилгани, ушбу юк автомашиналарга давлат рақамлари берилиб давлат рўйхатидан ўтказилгани, барча автомашиналарни кўздан кечириб тегишли



тартибда баҳолатишгани, ҳар иккала юк автомашиналари ҳам “Зафар Музаффар барака савдо” МЧЖнинг балансига ўтгани, шундан сўнг банк томонидан қолган 50.000 АҚШ доллари ўтказиб берилиб, банк томонидан жами 100.000 АҚШ доллари кредит ажратилгани, шу орада З.Парпиев уни олдига келиб, юк автомашинани олди-сотди қилса бўлиш-бўлмаслигини сўраганида унга кредитга олинган, тақикда турган автомашиналарни олди-сотди қилиб бўлмаслигини тушунтиргани, З.Парпиевни юк автомашинасини сотиб юборганидан хабари бўлмагани, ҳозирги кунда кредит тўловлари З.Парпиевнинг оиласи томонидан тўлаб келинаётгани учун банкнинг эътирози ва даъвоси йўқлиги ҳақидаги;

гувоҳ Н.Матқажомовнинг суддаги, Ш.Абдуфаттаев ва З.Парпиевни анча йиллардан яхши танишини, 2023 йил ноябрь ойида Янгиқўрғон тумани “Агробанк” биносининг орқа томонида йўл бўйида Ш.Абдуфаттаев билан З.Парпиев кўришгани, Ш.Абдуфаттаевга қаршли Янгиқўрғон тумани марказидаги 3 қаватли бинони ўзаро олди-сотди қилиб, бинони 90.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишгани, З.Парпиев 50.000 АҚШ долларини бериши, қолган 40.000 АҚШ долларини 7 ойда беришга ваъда бергани, З.Парпиев отасига бинони 50.000 АҚШ долларига сотиб олганини айтишини илтимос қилгани, агар бинони 90.000 АҚШ долларига сотиб олганлигини айтса, отаси уни уришишини айтгани, шундан кейин Ш.Абдуфаттаев билан З.Парпиевни олдига пулни олгани боришганда, уни топа олишмагани ҳақидаги;

гувоҳ К.Исмоиловнинг суддаги, 2024 йилнинг декабрь ойида С.Жўрабоев юк автомашинасини З.Парпиев билан барака қилиб, 65.000 АҚШ долларига сотиб олгани ва кредитини ўзи тўлаб боришга келишгани, З.Парпиев кредит тўланганидан кейин юк автомашинасини С.Жўрабоевни номига ўтказиб беришини айтгани, кейин шу ерда тилхат ёзишгани, тилхатга ўзи, Санжарбек, Зафар, Зафарнинг отаси, Музаффар имзо қўйгани ҳақидаги;

гувоҳ М.Исмаилжановнинг суддаги, З.Парпиев билан С.Жўрабоевни яхши таниши, З.Парпиевда “Фура” юк автомашинаси бўлиб, ушбу автомашинани С.Жўрабоевга ўзаро келишиб ижарага бергани ёки сотганини аниқ билмаслигини, фақат унга гувоҳ бўлиб туришни сўраганида З.Парпиевни отаси, ўзи, Камолиддин ушбу ҳолатга гувоҳ бўлишгани, ёзилган тилхатда Санжарбек “Фура” автомашинасини 65.000 АҚШ долларига сотиб олингани кўрсатилгани, лекин айнан қанча пулга ушбу автомашинани сотиб олганини кўрмагани, З.Парпиев 13.100 АҚШ долларини Санжарбекдан олишини айтгани, С.Жўрабоев юк автомашинасини кредитини тўлаб бориши, техник кўригига жавоб беришини айтгани, тилхат мазмунини тўлиқ ўқимагани, шундан кейин С.Жўрабоев ушбу автомашинани олиб, Россия ва Белоруссия давлатларига 3 марта бориб келгани, бунинг учун иш ҳақини С.Жўрабоев тўлагани, кейинроқ уни З.Парпиев билан ўртасида келишмовчилик келиб чиққанидан хабар топгани ҳақидаги;

гувоҳ Ж.Юлдашевнинг суддаги, Янгиқўрғон туманида хусусий



нотариус сифатида нотариал фаолияти билан шуғулланиб келиши, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 21 октябрь куни фуқаро М.Худайбердиева ўзининг номида бўлган Янгикўрғон тумани, Водий МФЙ, А.Темур кўчаси, 118-нотурар бино-иншоотни фуқаро З.Парпиевга сотиб, олди-сотди шартномаси расмийлаштирилгани, шартномада мулк қиймати сумма кўрсатилиши, лекин тарафлар кўчмас мулкни ўзаро ҳисоб-китоб қилиб олишгани, бино қанча суммага сотиб олингани нотариус вазифасига кирмаслиги, улар фақат тарафлардан олди-сотди тўлиқ амалга оширилганини сўраб олишлари, бу эркин ҳолат эканлиги, чунки бир тараф пулни тўлиқ олмаганини билдирса у ҳолатда шартнома расмийлаштирилмаслиги, фуқаро М.Худайбердиеванинг номида бўлган кўчмас мулк 90.000 АҚШ доллариға сотилганидан хабари йўқлиги, улар бино қанчага сотилганини суриштирмасликлари, аралашмасликлари, олди-сотди шартномасини тузиш давомида руҳий босим бўлмагани, тарафлар ўз хоҳиш-иродаси билан тузишгани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, жиноят ишидаги 2025 йил 3 май куни Тўрақўрғон туман ИИБ ҳузуридаги ТБ терговчиси А.Худайбердиевнинг “Абдуфаттаев Шавкат Анварович ва Эркинжонов Баркамол Муродхон ўғлиларининг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмагани сабабли жиноят ишининг уларга нисбатан бўлган қисми тугатиш ва Ш.Абдуфаттаевга нисбатан муқаддам эълон қилинган айблов бекор қилиш ҳақида”ги жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақидаги қарори;

жабрланган Ш.Абдуфаттаевнинг аризаси, З.Парпиев ва Ш.Абдуфаттаев ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси, С.Журабоевнинг аризаси, тилхат, транспорт воситасини кўздан кечириш ҳақида баённома ва фотоиловалар, З.Парпиевнинг банк бошлиғи номига ёзган огоҳлантириш тилхати, ашъвий ва ёзма далил деб эътироф этиш қарор, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари билан **рад қилинади.**

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш ҳолатларини батафсил ўрганиб, келтирилган барча важларни текшириб, далилларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда текширилган ишончли далиллар билан тўлиғича ёритиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, тўғри хулосага келган.

Қайд этилган асосларга кўра, ҳимоячи Ж.Нишонунинг оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди.

Шу сабабли, тафтиш инстанцияси З.Парпиевга оид суд қарорларини ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 521³, 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Парпиев Зафаржон Тўрамирзаевичга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон туман судининг 2025 йил 14 августдаги ҳукми ва Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция



инстанциясининг 2025 йил 16 декабрдаги ажрими ўзгаришсиз, тафтиш тартибидаги шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

Ш.Қурбонов

Ҳайъат судьялари:

А.Инамов

Д.Мадаминов

